



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2018 ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

№ 244 (13.841)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ГУЛЛАБ- ЯШНАШИ ЙЎЛИДА ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ ДЕЙИШМОҚДА ШАҲРИМИЗ ФАОЛЛАРИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар пойтактимиз иқтисодий, ижтиомий салоҳиятни юксалтириш, уни янада замонавий ва обод шаҳарга айлантириш, ахоли фаровонлигини бунданда оширишдек хайрли мақсадларда хизмат қилмоқда. Шаҳримизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад ҳаётимиз ободлиги, ҳалқимиз учун муносаб турмуши шаронтини таъминлашдан иборат. Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг куни кечга бўлиб ўтган нағбатдан ташқари сессиясида ана шулар ҳақида гап борди...**



**Холид КОМИЛОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари, олимлар билан учрашганларида, ахоли соглигини сақлаш тизимини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётганлигининг барчамиз гувоҳимиз. Сессияда бу борада энг дол зарб масалалар ҳақида сўз борди. Асосийси, юртимизда шифокорларнинг малакаси ошмокда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва сон жиҳатидан дараҷаси ортмоқда. Соҳага ҳар томонлама кўмак кўрсатиляпти. Ҳусусий клиникалар хусусида Юртбошимиз "Малақа ошириш курсларини ташкил килиш керак", деган фикри билдириб ўтдилар. Ҳамжиҳатликда барча ислоҳотларнинг самарали амалга ошишига ишончим комил.

**Козим ТЎЛАГАНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирининг ўринбосари:**

— 2016 йил ноъябр ойида шаҳар фоаллари билан ўтказилган йигилишда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда 192 та уй курилиши, шундан 102 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Режадаги уйлар гиштдан куриладиган бўлиб, ўша пайтда техника кам, мутахассислар ҳам етишмайтган эди. Бир сўз билан айтганда, курилиш саноати бирмунча оқсаётган эди. Секин-аста ишларни бошладик. Ҳабарингиз бор, ўтган йили 102 та уйни қуриб-битказиб пойтакт ахолисига топширилди. Бу йил 120 та уйни топшириш бўйича оддимизга вазифа кўйилди. Уларнинг асосий кисмими бунёд этидик. 20 тасини яқинда тутгатамиш. Келаси йилда 170 та уйни битиртиш юзасидан ҳозирда ишлар жадал кетаётпи.

**Дилбар ҒУЛОМОВА,  
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, меҳнат фахрийи:**

— Мұхтарам Президентимизнинг сессиядаги нутқларини тинглар эканман, қалбимда фарифтиҳор түгублари жўш урди. Бутун республика миз бўйлаб кейинги иккى йил ичиди мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилганлигини ҳаммамиз кўриб турибиз. Ушбу ҳайрли ишлардан нафқат ҳалқимиз рози бўляпти, маъълуматнига, балки бутун жаҳон ҳамҳамияти ҳам тасаннолар айтиб, бунга миннатдорчилар билдириб, Президентимиз Осиё бўйича “Йил сиёсатчиси” дея эътироф этилди. Сессияда Тошкент шаҳрида ҳозирги ривожланиш даврида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, келгусида қилинажак ишларни ҳам жуда рабон, тизимилини килиб тушунтирдилар. Кўйилган ва зифаларнинг ичиди жуда ҳам долзарби — Тошкент шаҳрини янада гўзал қилиш, бундан-да ривожлантиришдир.

**Анвар САЙФУТДИНОВ,  
“SANIKO GROUP” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Мен 15 йилдан бери тадбиркорлик соҳасида иш олиб борялман. Ба охирги 5 йил давомида айнан ишлаб чиқарши билан шугулланаётман. Тадбиркорларга енгиллик яратиш борасида ерларни ажратиш ваколатининг тажриба тарикасида шаҳар ҳокимлигига берилиши ҳақида қарорнинг қабул қилиниши ўзининг натижасини берди. Чунки, масалан мен ўзимнинг ишлаб чиқарши йўналишимни кенгайтириш ва маҳсулотимни экспорт қилиш мақсадида лойиҳами тайёрладим. Лойиҳам мувоффакиятли ўтди ва бир куннинг ўзидаёт барча курилишга рухсат берувчи хуласалар тасдиқланиб, менга топширилди. Бунақаси ҳали бўлмаганди.

Тўғриси, олдинлари тадбиркорлар сарсон бўлиб, эшикма — эшик юришарди. Бугунги хайрли янгиланишларнинг барни давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижасидир.

**Махамаджон ЗУФАРОВ,  
мехнат фахрийи:**

— Президентимиз барча вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, кишлоқлардаги вазият, мавжуд камчиликларни яхши биладилар. Шу боис сўнгги иккى йил давомида юртимизда барча соҳаларда ислоҳотлар юкори босқичга кўтарилиди. Буни бутун дунё тан олди. Буларни кўриб хорижий давлатлардан келганлар қойил қоляпти. Энди бундан кейин ишламаслик, эл-юрт манфаатлари йўлида жон қуидирмаслик мумкин эмас. Сессияда Юртбошимиз Тошкентни ривожлантириш бўйича 15 га яқин тақлифлар бердилар. Ўйлайманки, тақлифлар ўз ижобатини топиб келажакда шаҳримиз янада гуллаб-яшнайди.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,  
бастакор, профессор:**

— Президентимизнинг сессиядаги нутқларини жуда катта таасирот олдим. Ҳақиқатан ҳам санъат, маданият соҳаларида кўрсатилаётган фамхўрлик биз учун жуда кимматли ҳисобланади. Айниқса, миллий маданиятимизни ривожлантириш концепцияси биз учун катта имкониятлар эшигини очади.

Тўғрисини айтадиган бўлсан, сўнгги 20-30 йил ичиди санъатда енгил-елпи ёндашув хукм сурарди. Ҳозир эса аксинча. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллиги танланаларига багишлиланган концертни бутун жамоатчилик бир овоздан эътироф этаятики, унинг фонограммадан фойдаланилмади. Ҳолбуки, неча йиллардан бери фонограммадан воз кечга олмас эдик. Мана, бўладиган иш экан-ку.

Саҳнага ҳақиқий иқтидор эгалари чиқди. Ўзсанъатларини намойиш этишиди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўрнинки, Шаҳрисабзда ташкил этилган ҳалқаро маком фестивали том манода оламшумул воқеълика айланди.

**Омонулла МУТАЛОВ,  
“Чилонзор” маҳалла фуқаролар йигини раиси:**

— Биз дунёда энг илгор давлатлар қаторига кириб борялмиз. Мамлакат ҳаммамизники, шунинг учун бир ёқадан бош чиқарип ҳаракат килишимиз керак. Мана, битта кўчадан бугун ўтиб, эртага яна келадиган бўлслак, янгиланишу ўзгаришлардан шу кўчани танимай колаямиз. Бу олиб борилаётган оқилона сиёsat мевасидир.

**Отабек ЖИЯНБОЕВ,  
тадбиркор:**

— Ҳар жума — тадбиркорлар куни бўлди. Кимнинг кўлида лойиҳаси бор экан, ҳар хил жойларга бориб юришининг кераги йўқ. Мана рўйхатга ёзил, қабулга кел, гаплаш, ҳоким масалангни ўрганиб, ҳал қилиб бераятти. Реал ишларни қилиш керак. Кимлардир айтади, менга ер берилмаяти деб. Мана марҳамат сенга ер, нима қиласан, нима курасан? Нечта иш ўрони очасан? Қанча инвестиция олиб киран? Бажонидил.

Муҳтарам Президентимиз 2,7 млрд. долларлик инвестицияни Тошкент шаҳрига олиб келиш мажбутияти бердилар. Бу тадбиркорлар учун ҳам катта масъулият.

**Шоҳида ШАМУТАЛОВА,  
Тошкент шаҳар “Оила” илмий-амалий тақдиқот маркази бошқарма бошлиғи:**

— Хеч иккимасдан айтишим жоизки, юртимизда олиб бораётган кенг кўламли ислоҳотлар асрларга татигулик ёрқин бир саҳифа ҳисобланади. Амалга оширилаётган ишлар, киска фурсатда кўлга кирилаётган ютуқлар кўлами мамлакатимизнинг толеи порлок, истикболи ёрқин эканлигидан далолатидир.

Айниқса оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соглем оила — соғлом жамият” концептуалоға ўсмонинг ҳаётга татбик этилиши ва бу борада норматив-хуқуқий базани янада тақомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишлари таҳсилга сазовордир. Оила-нинг репродуктив саломатлиги, демографик ривожланиши, унинг фаровонлиги йўлида қабул килинган бир қатор Фармон ва қарорлар оиласида мустаҳкамлигини оширишга, фарзандларимизнинг баҳтиёр яшашида, энг асосийси, жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашида мухим омил ҳисобланади.



**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• Бухоро вилоятида ижтиомий-иқтисолий ислоҳотлар қандай бормоқда, уларнинг самарасини одамлар ўз ҳаётидаги сезяптими? Ҳали ечимини кутаётган қандай муаммолар мавжуд? Бу Ҳалқ депутатлари Ромитан туман генгашининг сессияси муҳокамасига кўйилган бош масала бўлди. Унда туманнынг ижтиомий-иқтисодий ҳолатини ўрганган Республика ишчи гурҳи аъзолари, Президент Администрацияси, вилоят ва туман ташкилотлари вакиллари, депутатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва бошқарлар иштирок этди.

• Тошкент давлат техника университетида “Энергия самарадорлиги – Ўзбекистонда энергетика соҳасини ривожлантиришнинг асоси” мавзусида ҳалқаро илмий-техникавий конференция ўтказилди. Конференция иштироқчилари “Ўзбекэнерго”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзбекнефтгаз” каби ақиёдкорлик жамиятлари, “Ўзатом” агентлиги ва қатор йирик корхоналар билан ҳамкорлика олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таниширилди.

• Навоий шаҳрида вилоятдаги илк “Yoshlar tadbirkorlari” коворинг маркази очилди. Ушбу замонавий марказ ёшларнинг бизнес ташабbusлари, старталлари, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, жумладан, бизнес-режа ишлаб чиқиш, хукукий маслаҳат бериш, бухгалтерия ва бошқа хизматлар кўрсатиш, форум, семинар ва маҳорат дарслари ташкил қилиш борашиба ёшларга кулаги имконият юзага келтиради.

• Қаршида фуқаролик жамияти институтлари вакилларига “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини топширишга бағишиланган тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган нағбатдаги танлов натижалари кўра вилоятдан ғолиб деб топилган лойиҳалар муаллифиға давлат гранти сертификатлари топширилди.

• Россиянинг Екатеринбург шаҳрида аҳолига ўзига хос Янги йил совғаси тайёрланмокда — бу ерда муздан шаҳар бунёд этилмоқда. Туну кун кўруувчиларнинг кўли кўлига тегмаяти. Ҳатто, муз шаҳри марказига или бор пластикдан ясалган эмас, балки ўрмондан баландлиги 20 метрлик ҳақиқий арча олиб келиб ўрнатилди. Муз шаҳрининг очилиш маросими 28 декабрда бўлиб ўтади.

• Куба пойтаҳи Гавана шаҳри атрофидаги дамбанинг декабрь ойида камдан кам юз берадиган кучли бўрон туғайли бузилиб кетиши натижасидаги пойтаҳтда кучли сув тошқинлари рўй бердилар. Ҳозирда бу ерда кутқарувчилар ишламокда.

• Буюк Британиянинг The Legatum Institute таҳлилий маркази томонидан нағбатдаги йиллик фаровонлик рейтинги эълон килинди. Мазкур рейтинг хавфсизлик ва мухофаза, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, бизнес мухит, шахсий эркинлик тизилган. Фаровонлик — 2018 рейтингининг дастлабки ўнлигига Норвегия, Янги Зеландия, Финляндия, Швейцария, Дания, Швеция, Буюк Британия, Канада, Голландия, Ирландия каби давлатлар етакчилик килимокда. Шунингдек, ривожланган мамлакатлардан Германия 14, АҚШ 17, Франция эса 20-ўринда бормоқда.

**"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2018" мавзууда ижтимоий сўров ўтказилди. Унда фуқароларнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўсииш суръати ҳақидаги фикрлари, Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-кувватлаш йилида эришилган натижалардан қониқсанлик даражаси ўрганилди.**

Сўровда шахар ва қишлокларда истиқомат қилювчи, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган 18 ва ундан катта ёщдаги турли миллат, ижтимоий гурухлар вакиллари иштирок этди.

Сўров натижалариFaol тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-кувватлаш йили мамлакатимиз фуқаролори учун барқарор ва муваффакиятли бўлганини кўрсатди. Фуқароларнинг аксарияти (87,4 фоиз) Ўзбекистон учун иқтисодий фаоллик даври бошлини, деб хисоблади. Тадқиқот иштирокчиларининг фикрича, 2018 йилда мамлакат ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбарни ташаббуси билан амалга оширилган ҳамда замонавий хатар ва таҳдидларга жавоб беришга кодир бўлган, ҳар бир фуқаро ва бутун жамият манбаатлари ифода этилишини таъминлайдиган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан боғлиқ.

Сўров жараённида маълум бўлишича, кўпчилик ахоли мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, жамиятда миллатларро тутублик, диний бағригенликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳукук ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва кам-ситилишига йўл қўймаслика қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижаларини ижобий баҳоламоқда.

Жамоатчилик фикри бўйича ўтказилган сўров шуни кўрсатди, мамлакат фуқароларнинг аксарияти (99,2 фоиз) Ўзбекистонда юритилётган миллий сиёсатни миллатларро ва фуқароларро тутувлигини асоси, деб билади.

82,1 фоиз иштирокчининг фикрича, мамлакатда ишбиларномонлик мухитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришини янада жадаллаштириш учун маъмурий тўсикларни бартараф этиш, шунингдек, инновацион гоялар ва технологияларни жорий этишига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

88,9 фоиз респондент мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуғузи ошгани, хорижий давлатлар, ҳалқаро сиёсий етаклилар, дунёдаги нуғузни ташкилотлар билан ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланганини якунлаётган йилда Ўзбекистоннинг ташкиси сиёсатидаги кўлга киритган энг асосий ютуғи, деб хисоблади.

## МАДАМИНЖОН ҲАСАНОВ



вазири лавозимида самарали фаолият олиб борди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий фаолият билан ҳам шуғуланди. 1979-2004 йилларда "Софломлаштириш маркази" илмий-тадқиқот муассасасига раҳбарлик килди.

Ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомиди М.Ҳасанов кенг билими, катта ҳаётй тажрибаси ва шахсий намунаси билан республикаизда савдо тизимини ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш ишларида жонбозлик кўрсатди.

У 2004 йилда нафақага чиққанидан сўнг Ўзбекистон фахрийларининг ихтимойи фаолиятини кўллаб-куватлаш "Нуроний" жамғармасининг танничи вакили, савдо тизими фахрийси, Улуг Ватан уруши катнашчиси Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов шу йил 22 декабр куни 94 ёшида вафот этди.

М.Ҳасанов 1924 йил Андижон вилоятида туғилган. Унинг ўшилиги Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келиб, 1942-1946 йилларда фронт майдонларидаги оғир жангларда мардана иштирок этди. Фашизмга карши курашдаги жасорати учун жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

У урушдан сўнг Москва олий кооператив марказий мактабини тутатиб, республикаизнинг турли савдо ташкилотларида хизмат килди. Жумладан, 1956-1959 йилларда "Ўзбектекстийлор"нинг Андижон вилояти базаси директори, 1959-1966 йилларда "Ўзбекбирлашув" бошқарувининг раиси бўлб ишлadi.

М.Ҳасанов 1966-1979 йиллар мобайнида Ўзбекистон савдо

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,  
А.АРИПОВ, Ж.ОРТИКХЎЖАЕВ, Ш.ЖАЛИЛОВ**

